

МАФКУРАВИЙ ТАХДИДНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ МОҲИЯТИ ВА ГЛОБАЛИЗАЦИОН ХУСУСИЯТИ

Сардор Ашуров

Тадқиқотчи

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Аннотация: Мазкур мақолада мафкуравий таҳдиднинг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва унинг глобаллашув шароитидаги хусусиятлари таҳлил қилинади. Мафкуравий таҳдид жамиятнинг маънавий қадриятлари ва барқарорлигига таҳдид солувчи ёт ғояларнинг тарқалиши ва уларнинг ижтимоий оқибатлари очиб берилган. Шунингдек, глобализация жараёнининг мафкуравий таҳдидларга таъсири кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: мафкуравий таҳдид, ижтимоий-сиёсий моҳият, глобализация, маънавий қадриятлар, ахборот уруши.

Мафкуравий таҳдид — ижтимоий-сиёсий ҳаракат, оқим ёки сиёсий куч ўз манфаатини ифодаловчи мафкурасини кўрkitув, зўрлик йўли билан бошқаларга тикиштириш эканлиги борасидаги таъриф мавжуд. Маънавий таҳдид жамият, давлат ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб турган, фожеали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафкуравий хавф-хатарлар мажмуасидир. Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик жамият қурилаётган ҳозирги шароитда фуқаролар онги ва фаолиятига сиёсий экстремизм, диний ва фундаментализм, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, экологик муаммолар, бир жинсли никоҳларни, ғарбда ҳозирги вақтда кенг тарқалаётган, вояга етмаган болаларга ўз жинсини ўзи танлаш ҳуқуқини бериш, боласиз оила сингари ёт ғоялар мафкуравий таҳдид шаклида намоён бўлаётир.

Мафкуравий таҳдид жамият, давлат ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб турган, фожеали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафкуравий хавф-хатарлар мажмуаси. Дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти онгли

яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин. Ўзбекистон ҳам бундай тахдидлардан четда қолаётгани йўқ.¹

Мафкуравий тахдид ўз моҳиятидан келиб чиқиб, энг аввало, инсон онгига, тафаккури ва хулқ-атвориغا хавф-хатар солмоқда. Инсон онги ва қалбини вайронкор ва бузғунчи ғоялар билан издан чиқаришга ҳаракат қилиш мафкуравий тахдиднинг энг асосий мазмун-моҳиятини белгилайди. Мафкуравий тахдид муайян жамият аъзоларини ягона мақсад ва муддаолардан чалғитиб, миллий менталитетга мос келмайдиган бегона ғоялар, фикрлар, мақсадлар ва қарашларни четдан туриб экспорт қилиш жараёнида ўзини янада аниқроқ намоён қилади.²

Мафкуравий тахдид — бу жамият ёки давлатнинг маънавий ва маданий қийматларига, дунёқарашига ва ижтимоий-сиёсий тартибига хавф солувчи ғоявий, ахборот ва мафкуравий таъсирлардир. Бу тахдидлар жамиятнинг асосий қадриятларига ҳужум қилиб, унинг ижтимоий барқарорлигини бузишга қаратилган. Ижтимоий-сиёсий моҳият жиҳатидан мафкуравий тахдид қуйидагилардан иборат, яъни:

1. Ижтимоий бузилишлар: Жамиятда турли ғоялар тарқалиб, унинг бирдамлиги ва барқарорлиги заифлашади. Мафкуравий тахдидлар миллатнинг ёки давлатнинг бирликка асосланган ижтимоий тузилмасини бузишга ҳаракат қилади.

2. Маънавий таназул: Ташқи ёки ички тахдидлар жамиятнинг маънавий қадриятларини заифлаштиради. Одатда миллий қадриятлар, анъаналар ва дунёқарашларга қарши ёки уларни менсимайдиган мафкуралар пайдо бўлади.

3. Сиёсий барқарорликка тахдид: Мафкуравий тахдидлар давлатнинг сиёсий тизимига таъсир этиши мумкин. Бирор давлат ёки гуруҳ бошқа давлатда ёки жамиятда мафкуравий воситалар орқали сиёсий барқарорликни бузишга ҳаракат қилади. Бу ўз навбатида ички низоларга ва сиёсий беқарорликка олиб келиши мумкин.

4. Мафкуралар кураши: Давлатлар ва ижтимоий гуруҳлар ўз манфаатлари ва ғояларини тарқатиш орқали бошқа жамиятларга таъсир ўтказди. Турли мафкуралар ўртасидаги қарама-қаршилиқлар ижтимоий ва сиёсий можароларни кучайтиради.

¹ Мафкуравий таъсир. Мафкуравий тажовуз. Мафкуравий тахдид. <https://oyina.uz/kiril/teahouse/1851>

² <https://staff.tiiame.uz/storage/users/409/books/ONdDkaA0SQEqxk10SQHLIChNTnU17rgWzaWmmaoy.pdf>

Бугунги даврга чуқур назар ташлайдиган бўлсак, у ўзининг барча хусусиятлари билан олдинги даврлардан кескин фарқ қилишига ҳамда оралиқ босқичларининг ниҳоятда қисқа давом этиши ва тез ўзгарувчанлигига амин бўламиз. Жумладан, собиқ совет империяси ва социализм лагерининг емирилиши икки қутбли дунёнинг барҳам топиши билан яқунланди ва кўп қутбли дунёнинг шаклланиши учун шарт-шароит туғилди. Бироқ у тез орада янги ўта мураккаб ва қарама-қаршилиқларга ниҳоятда бой вазият билан алмашинди. Бу даврнинг энг асосий ўзига хослиги шундан иборатки, у халқаро глобаллашув жараёнларининг ўта зиддиятли тус олганлиги билан ажралиб туради.³

Глобализация бугунги кунда турли мамлакатлар ва маданиятлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаб, ахборот оқимини чексиз қилаётган жараён ҳисобланади. Бу жараён мафкуравий таҳдидларни кучайтириши мумкин, чунки турли ғоялар ва кадриятлар тарқалиши осонлашади. Глобализациянинг мафкуравий таҳдидга таъсири қуйидагича намоён бўлади:

1. Маданий яқкалаш (унификация): Глобализациянинг таъсири остида кўплаб миллатларнинг ўзига хос маданий хусусиятлари глобал маданият томонидан сўндирилиб, улар яқка қиёфага келтирилади. Бу миллатларнинг ўз миллий кадриятларини йўқотишига ва ғарб маданиятининг устунлик қилишига олиб келади.

2. Ахборот тарқалишининг тезлиги: Глобализация жараёнида интернет ва оммавий ахборот воситалари орқали мафкуравий ғояларни тез тарқатиш мумкин бўлиб қолди. Турли мамлакатлардаги инсонлар турли ғояларга ва мафкуралар таъсирига осонлик билан тушиб қолмоқда.

3. Турли мафкуралар ўртасидаги кураш: Глобализация жараёнида турли мафкуравий қарашлар ўртасида кескин рақобат кучаяди. Бир давлат ёки жамият бошқасига ўз ғоявий таъсирини ўтказиш учун маълум бир мафкуравий воситалардан фойдаланади.

4. Ахборот уруши: Глобализация ахборот уруши тушунчасини ҳам кучайтирди. Дунё миқёсида ахборот оқими устидан назорат қилиш орқали маълум бир давлат ёки гуруҳлар бошқаларнинг фикри ва дунёқарашига таъсир ўтказишга уринади. Ахборот урушида сохта (фейк) хабарлар, тарғибот, ташвиқот ва сездирмай бошқариш (манипуляция) мафкуравий қуроллар сифатида ишлатилади.

³ Ўша ерда

5. Мафқуравий ҳужумлар: Глобализация турли давлатларнинг ўз мафқурасини глобал миқёсда кенг тарқатишига йўл очади. Масалан, сиёсий, иқтисодий ёки маданий мафқуралар ахборот орқали бошқа жамиятларга кириб боради ва уларнинг ички тартибига таъсир қилади.

Хулоса қилиб айтганда, глобализация мафқуравий таҳдидларнинг тез тарқалишига ва кучайишига ёрдам беради. Жамият ёки давлатлар ўз миллий кадриятларини ва мафқурасини ҳимоя қилиш учун бу жараёнга қарши туриш механизмларини ишлаб чиқишга мажбур бўладилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пахруддинов Ш.И. Дунёвий демократик давлатчилик қурилиши амалиётида диний экстремизм таҳдиди. Тошкент: 2001, 178-б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018 йил, 28 декабрь.

3. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). Абу Наср Форобийнинг илм-фанлар таснифида ахлоқий ва диний қарашларининг таҳлили. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 1), 608-613.

4. Ж. С. Раматов, & М. Н. Ҳасанов (2022). Абу Наср Форобийнинг жаҳон илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси ва унинг бугунги кундаги аҳамияти. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.

5. Миршод Нўмонович Ҳасанов (2022). Янги Ўзбекистон тараққиёти босқичида ёшларнинг маънавий ва маданиятини юксалтиришнинг устивор вазифалари. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 791-798.